

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил январь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят Шофиркон туман суди, Шофиркон тумани “Зарчабек” МФЙ биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.И.Бозоров, судья ёрдамчиси Н.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан Шофиркон туман прокурори вазифасини бажарувчи Ғ.Рахмонов, судланувчи А.Ёқубов ва жабрланувчи Х.Қамариддиновнинг иштирокида,

Ёқубов Асадбек Азиз ўғли (Yoqubov Asadbek Aziz o'g'li), 2000 йил 25 сентябрь куни Бухоро вилояти, Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Шофиркон туман “Зарчабек” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Зарчабек” қишлоғида яшайди, эҳтиёт чора тариқасида гаров қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 2 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид №1-2013-2101/138-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, А.Ёқубов 2021 йил 28 июнь куни тахминан соат 24 дан 30 дақиқа ўтганларда, Шофиркон тумани “Х.Ориф” МФЙ, Х.Ориф қишлоғида жойлашган 1-сон умумий ўрта мактабнинг ҳовлисида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бирор-бир сабабсиз, ўзига таниш бўлмаган фуқаро Қамариддинов Хумоюн Ваҳобжон ўғли билан ўзаро низолашиб қолиб, жанжал вақтида қўли ва оёқлари билан унинг турли сохаларига қасддан уриб, дўппослаб, Х.Қамариддиновга Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро вилоят филиалининг 2021 йил 19 июль кунидаги №818-Т-сонли экспертиза хулосасига кўра, енгил тан жароҳати етказиб, безорилик жиноятини содир қилган.

Судда судланувчи А.Ёқубов ва жабрланувчи Х.Қамариддинов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.



Судланувчи А.Ёқубов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир қилган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи етказилган зарарлардан тўлиқ воз кечганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Қамариддинов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, А.Ёқубовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарлардан тўлиқ воз кечганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд судланувчи А.Ёқубов ва жабрланувчи Х.Қамариддиновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шофиркон туман прокурори вазифасини бажарувчи Ғ.Рахмоновни жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Ёқубовнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарлардан ихтиёрий воз кечилганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Ёқубовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд ажрим қонуний кучга киргач, судланувчи Ёқубов Асадбек Азиз ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, Бухоро вилоят ИИБ МИБнинг депозит ҳисоб рақамига 2021 йил 28 августдаги тўлов ҳужжати орқали тўланган 5.000.000 (беш миллион) сўм гаров пулларини А.Ёқубовга қайтаришни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Қамариддинов Хумоюн Ваҳобжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан судланувчи Ёқубов Асадбек Азиз ўғли (Yoqubov Asadbek Aziz o`g`li)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, судланувчи Ёқубов Асадбек Азиз ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин, Бухоро вилоят ИИБ МИБнинг депозит ҳисоб рақамига 2021 йил 28 августдаги тўлов ҳужжати орқали тўланган 5.000.000 (беш миллион) сўм гаров пуллари А.Ёқубовга қайтарилсин.

Жабрланувчи Қамариддинов Хумоюн Ваҳобжон ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

У.И.Бозоров

